

Ўзбекистон Республикаси номидан
Ҳ У К М

2021 йил август ойининг 13 куни жиноят ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туман суди, ўз биносида, очиқ суд мажлисида, судья Б.Б.Бердиевнинг раислигида, судья ёрдамчиси Б.Ғофуровнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси – Мирзо Улуғбек туман прокурорининг ёрдамчиси Ш.Джалилов, судланувчи Д.Абдукаримованинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 270-моддаси 1-қисми билан айбланган

Абдукаримова Дилором Одиловна, 1973 йил 2 февраль куни Тошкент вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 2 нафар фарзанди бор, 1 нафар фарзанди вояга етмаган, уй бекаси, муқаддам судланмаган, Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Қизилсув кўчаси, 191-уйда истиқомат қилувчи, иш бўйича “шаҳсий кафиллик” тарзидаги эҳтиёт чора қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини ўз вақтида олганга нисбатан 1-1001-2102/390-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб,

Суд, судланувчи ва гувоҳнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Абдукаримова Дилором Одиловна, 2021 йилнинг тахминан май ойи бошларида ўзи истиқомат қилиб келаётган Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Қизилсув кўчаси, 191-уй ховлисида бир дона елим челаққа қонунга хилоф равишда “наша” ўсимлиги экиб, парваришлаб келганлиги, 2021 йил 1 июль куни, Мирзо Улуғбек тумани бўйича ИИО ФМБ 1-сонли ИИБ ЖҚБ ходимлари содир этилган ўғирлик жинояти юзасидан далилларни тўплаш мақсадида Мирзо Улуғбек тумани, Қизилсув кўчаси 191-уйда ўтказган тезкор тадбир давомида, хонадон ховлисидаги палма дарахти тагида турган қора рангли елим челаққа экилган яшил рангли ўткир хидли бир туп ўсимлик аниқланиб, холислар иштирокида баённома асосида олиб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЭКБМнинг 02.07.2021 йилдаги 2/587-сонли хулосасига кўра, Д.О.Абдукаримованинг хонадонидан олинган бир дона ўсимлик таркибида фаол гиёҳвандлик модда, тетрагидраканнабинол мавжуд бўлиб, бу ўсимлик “Каннабис ўсимлиги” деб аталувчи (рус тилида “конопля”), ўзида норкотик модда сақловчи ўсимликларга кириб, “марихуана” ва “гашиш” норкотик воситалари олишда хом ашё махсулоти бўлиши мумкинлиги аниқланган.

Суд мажлисида сўроқ қилинган судланувчи Абдукаримова Дилором Одиловна, айбига тўлиқ иқрорлигини билдириб, 2021 йилнинг май ойи бошларида уйда сақлаб қўйган гул уруғларини экмоқчи бўлганлиги ва ушбу уруғларни ҳовлисида экканлиги, ушбу гул уруғлари кўкариб, ўсиб чиққанлиги, ушбу ўсимликлар орасидан игна баргли ўсимлик ҳам ўсиб



чиққанлиги, унинг япроқлари чиройли бўлганлиги сабабли алохида қора рангли елим челакка ўтказиб парвариш қила бошлаганлиги, ушбу гулга сув қуйиб, тагини юмшатиб турганлиги, ушбу ўсимликни кейинчалик “наша” ўсимлиги эканлигини билганлиги ва уни чиройли бўлганлиги учун парвариш қилиб ўстириб келганлиги, 2021 йил 1 июль куни соат 18:00ларда уйига ИИБ ходимлари ва холислар келишганлиги, ўша ерда билишича ИИБ ходимлари ўғирлик жиноятида гумон қилинаётган шахс томонидан ўғирланган уяли алоқа воситасининг симкартасини топиш учун ховлисига келишганлиги, ИИБ ходимлари ўғирликда гумонланган шахс иштирокида ушбу ўғирланган телефон аппаратининг симкартасини излашганлиги, кейин уйдан чиқиб кетишаётган вақтда ховлисидаги палма дарахти тагида турган қора рангли елим челак ичида ўсиб турган “наша” ўсимлигини кўриб қолишганлиги, ундан ушбу ўсимлик кимга тегишли эканлигини сўрашганлиги, уларга ушбу ўсимлик ховлига эккан гуллари орасидан чиққанлиги, кейин алохида қилиб тувакка ўтказиб, парваришлаб ўстираётганлиги, ҳеч кимга сотиш нияти бўлмаганлиги ҳақида айтиб ўтганлиги, шундан кейин ЖҚБ ходимлари холислар иштирокида ховлисида чиққан қора рангли елим челак ичидаги “наша” ўсимлигини баённома тузиб олиб қўйишганлиги, шундан сўнг суриштирув давомида бўлиб ўтган ҳолат юзасидан тушунтириш хати ёзиб берганлиги, ҳозирда қилган ишидан амалда чин кўнгилдан пушаймондалигини ва ишини қонун доирасида енгиллаштириб беришни сўрашини, айбига тўлиқ иқрорлигини, бошида ушбу ўсимликни наша эканлигини билмаганлиги, кейинчалик уни наша эканлигини билганлиги, ушбу гиёҳвандлик моддасини япроқлари чиқроғли бўлганлиги учун гул деб ўйлаб ўстирганлиги, кейин билса ушбу ўсимлик “наша” ўсимлиги эканлиги, лекин уйда ҳеч ким гиёҳванд воситарали истемол қилмаслиги, ушбу наша ўсимлигини бировга сотиш нияти бўлмаганлиги, чиройли бўлганлиги сабабли ўстириб, парваришлаганлиги, ўзи эса қилмиш жинойий ҳаракатидан қаттиқ пушаймонда бўлганлиги, келгусида бу каби жиноятларга қўл урмаслиги, унга имкон берилса албатта тўғри йўлга қайтишини айтиб, турмуш ўртоғи ногирон эканлиги, бир нафар фарзанди вояга етмаганлиги, оилавий шароити ва моддий аҳволи жуда оғирлиги, олдинги вақтларда онаси билан гул етиштириб сотиб келганлиги, ҳозирда ишсиз ва даромадсиз эканлиги, доимий равишда ногирон турмуш ўртоғини парваришлаб келишини, унга нисбатан қонуний ёрдам берилиши ҳақида кўрсатма берди.

Суд мажлисида сўроқ қилинган гувоҳ А.А.Мирталипов, ҳақиқатдан ҳам 2021 йил 1 июль куни соат 18:00ларда, Мирзо Улуғбек тумани Қизилсув кўчасидан ўзини ишлари билан ўтиб кетаётган вақтида, олдиға фуқаролик кийимидаги 2 нафар шахс келиб ўзларини ИИБ ходими эканликларини маълум қилиб ўзларини таништиришганлиги ҳамда бир иш юзасидан холис сифатида иштирок этиб беришини илтимос қилишганлиги, шундан кейин шахси кейин маълум бўлган 1974 йилда туғилган Джалолов Равшан исмли фуқаро ўғирлик жиноятини содир этганлигини ва ўғирлаган телефонида



бўлган симкартани М.Улуғбек тумани, Қизилсув кўчаси 191-уйнинг ховлисига беркитиб қўйганлигини айтганлигини ва ушбу симкартани беркитиб қўйган жойдан олиб беришини айтганлиги, улар ушбу ишда холис сифатида иштирок этаётганлиги, шундан кейин ушбу Қизилсуқ кўчаси 191-уй ховлисига киришганлигини ва Джалолов Равшан ушбу ховлидан беркитиб қўйган симкартани топиб берганлиги, ушбу ховлидан чиқиб кетаётган вақтларида ИИБ ходимлари ховлидаги палма дарахти тагида қора елим челекда парвариш қилиб ўстирилаётган арчасимон, игна баргли ўсимликни кўриб қолишганлиги, уй бекаси Абдукаримова Дилоромдан ушбу ўсимлик нима эканлигини ва кимга тегишли эканлигини сўрашганлиги, Д.Абдукаримова ушбу ўсимликни ўзи парвариш қилиб ўстираётганлиги ҳақида айтганлиги, ИИБ ходимлари уларнинг холислигида ушбу ўсимликни баённома асосида олиб, қопга солиб мухрлашганлигини кўрганилиги ва имзолиб берганлиги ҳақида кўрсатма берди.

Суд давлат айбловчисининг хулосасини тинглаб, жиноят иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, судланувчи Д.Абдукаримованинг жиноят содир этганликдаги айби, ўзининг айбига иқрорлик кўрсатувидан ташқари: Ходиса жойини кўздан кечириш баённомаси ва фотоилова билан, олиб қўйиш баённомаси билан, иш бўйича ўтказилган кимёвий экспертиза хулосаси билан, томонлар ўртасида ўтказилган юзлаштириш баённомалари билан, кўрсатувларини ҳодиса содир бўлган жойда текшириш баённомаси ва фото илова орқали ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар билан исботланган деб топади.

Дастлабки тергов органи томонидан Д.Абдукаримованинг жиноий ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 270-моддаси 1-қисми билан тақиқланган экинларни, яъни каннабис ўсимлиги ёхуд таркибида гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар бўлган экинларни қонунга хилоф равишда экиш ва етиштиришда ифодаланган жиноят аломатлари билан тўғри квалификация қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 2-бандида Жиноят кодексининг 10-моддасида назарда тутилган жавобгарликнинг муқаррарлиги принципи жазо қўлланилиши шартлигини англатмаслиги, шу туфайли судлар, ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган, чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва жиноятнинг очилишига фаол ёрдам берган, етказилган зиённи қоплаган шахсларни ЖК 65,66,70,71-моддаларига мувофиқ жавобгарликдан ва жазодан озод қилиш масаласини муҳокама қилишлари лозимлиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 71-моддасида “ижтимоий ҳафви катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи маротаба содир этган шахс, агар у айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилган, жиноятни очилишига фаол ёрдам берган ва келтирилган зарарни бартараф қилган бўлса, суд томонидан жазодан зод қилиниши мумкин”лиги белгиланган.



Суд, судланувчи Д.Абдукаримова томонидан содир этилган жиноий қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражасини ва хусусиятини, ушбу қилмиш ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар туркумига киришини, у муқаддам судланмаганлигини, айбини тан олишини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, оилада ягона боқувчи эканлигини, турмуш ўртоғи ногирон эканлиги ва бир нафар фарзанди вояга етмаганлигини инобатга олиб, унга нисбатан жазо тайинламасдан туриб ҳам уни ахлоқан тузалишига эришиш мумкин деб ҳисоблаб, судланувчи Д.Абдукаримованинг содир этган қилмиши ва шахси ишни судда кўриш вақтида айбдор ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 71-моддасига асосан уни жазодан озод қилишни лозим деб ҳисоблайди.

Амбулатор наркологик экспертизасининг 23.07.2021 йилдаги №702-сонли далолатномасига кўра, Д.Абдукаримова гиёхвандлик касаллигига дучор бўлмаганлиги сабабли унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 96-моддаси тартибида мажбурий тартибда даволаниш чораларини қўллаш лозим эмас деб топилади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ДХХга топширилган далилий ашё – бир дона ўсимлик (гашиш ва марихуана гиёхвандлик воситасини тайёрлаш учун ишлатиш мумкин бўлган ҳом ашё) йўқ қилиш лозим бўлади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 462-463,465-468,471-473 моддаларига амал қилиб, суд

ҲУКМ КИЛДИ:

Абдукаримова Дилором Одиловна Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 270-моддаси 1-қисми назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Абдукаримова Дилором Одиловна Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 71-моддасига асосан жазодан озод қилинсин.

Ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг Д.Абдукаримовага қўлланилган “шаҳсий кафиллик” эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг Ўзбекистон Республикаси ДХХга топширилган далилий ашё – бир дона ўсимлик (гашиш ва марихуана гиёхвандлик воситасини тайёрлаш учун ишлатиш мумкин бўлган ҳом ашё) йўқ қилиш лозим бўлади.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб, йигирма сутка ичида Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг апелляция инстанциясига шикоят бериши ёки протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи: (имзо)
ҳукм нусхаси аслига тўғри:

Б.Б.Бердиев

